
	Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати			
	Хужжат номи:	“Ўзстандарт” агентлиги тизимида яширин фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш СИЁСАТИ	Хужжат белгиси:	03
Амал қилиш муддати:	3 йил	Тахрир:	1	

“Ўзстандарт” агентлигининг
2020 йил “30” октябрдаги
103-сон буйруғига
3-илова

“Ўзстандарт” агентлиги тизимида яширин фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш СИЁСАТИ

	Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати		
	Хужжат номи:	“Ўзстандарт” агентлиги тизимида яширин фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш СИЁСАТИ	Хужжат белгиси:
Амал қилиш муддати:	3 йил	Таҳрир:	1


1-боб. Умумий қоидалар

1. Яширин фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш сиёсати (бундан буён матнда Сиёсат деб юритилади) “Ўзстандарт” агентлиги (кейинги ўринларда – “агентлик” деб юритилади) ва унинг тизим ташкилотларида яширин фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради.

2. Сиёсат O’z DSt ISO 37001:2019 (ISO 37001:2016, IDT) “Пора олиш-бериш билан курашиш менежменти тизимлари. Фойдаланиш бўйича талаблар ва қўлланма” давлат стандарти талабларини инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи халқаро амалиёт асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Яширин даромадларни легаллаштириш деганда - пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ўтказиш, алмаштириш, мулкка айлантириш йўли билан уларнинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш тушунилади. Бундай мулк коррупция натижасида қўлга киритилган бўлиши мумкин.

4. Агентлик ва тизим ташкилотларида яширин даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, агентлик ва унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ҳамда соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, яширин даромадларни легаллаштириш мумкин бўлган коррупцион ҳолатлар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳисобига амалга оширилади.

	Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати			
	Хужжат номи:	“Ўзстандарт” агентлиги тизимида яширин фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш СИЁСАТИ	Хужжат белгиси:	03
	Амал қилиш муддати:	3 йил	Тахрир:	1

2-боб. Хизмат жараёнида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни яшириш ёхуд сир сақлашни тартибга солиш

5. Агентлик фаолиятида молиявий операциялар, жумладан, ноқонуний пул маблағларини ҳисобга киритиш, уларни турли банклардаги жамғарма ҳисоб варағларига бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, ноқонуний топилган пулларга қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини банкдаги жамғарма ҳисоб варағига қайтариш мақсадида чегарадан ташқарига чиқариш ва ҳоказоларга йўл қўйилмаслиги керак.

6. Агентлик ёки унинг тизим ташкилоти ходими, агентлик ёки тизим ташкилотларининг фаолиятига оид хизматлар учун тузилган шартномалардаги хизматлар тўлиқ ушбу ташкилотнинг ўзи томонидан амалга оширилиши лозим. Яширин даромадларни легаллаштиришни олдини олиш мақсадида, юқоридаги хизматни бошқа корхона ташкилотлар орқали кўрсатиш тақиқланади. (иш ҳажми кўпайган ҳоллар бундан мустасно)


Ушбу ҳолат аниқланган тақдирда Бош директорга хабар берилади.

7. Агентлик ва унинг тизим ташкилотларидаги ходим томонидан мансаб ваколатларидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштиришга қаратилган коррупцион ҳолатлар аниқланган тақдирда агентлик томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат этилади.

8. Яширин даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги операциялар, шунингдек, чет эл валютаси операциялари агентликнинг “Молиявий-иқтисодий таҳлил ва режалаштириш бошқармаси” томонидан қатъий назоратга олинади.

9. Яширин даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги шубҳали операциялар, шунингдек, чет эл валютасининг асосиз чиқиб кетиши хавфи юқори бўлган операцияларни мониторинги агентликнинг “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бўлими” томонидан амалга оширилади.

10. “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бўлими”, “Молиявий-иқтисодий таҳлил ва режалаштириш бошқармаси” билан

	Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати			
	Хужжат номи:	“Ўзстандарт” агентлиги тизимида яширин фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш СИЁСАТИ	Хужжат белгиси:	03
	Амал қилиш муддати:	3 йил	Таҳрир:	1

биргаликда, яширин фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича агентлик ва тизим ташкилотлари ходимларига кенг тушунтириш ва профилактика ишларини амалга оширади.

12. “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бўлими” яширин фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш ва олдини олиш тизимининг самарали ишлашига салбий таъсир кўрсатувчи муаммо ва камчиликларни тизимли таҳлил қилади, уларни камайтириш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

3-боб. Яширин фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш сиёсатини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

13. Ушбу Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тузатилиши керак:

амалдаги сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда;

коррупцияга қарши курашиш самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда ва агентлик ва тизим ташкилотларининг фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;

агентлик тизимининг марказий аппарати ва (ёки) агентлик ва тизим ташкилотларининг томонидан ўз вазифаларини бажариши хусусиятлари ва бошқалар ўзгарганда.

4-боб Яқуний қоидалар

14. Ходимлар томонидан мазкур Қоидаларга риоя қилиш муҳим касбий компетенция сифатида қаралади ва бошқа мезонлар қаторида лавозимини кўтариш, фаолиятини баҳолаш ва ҳ.к.ларга хизмат қилади.

15. Агентлик ва тизим ташкилотларининг ходими томонидан мазкур Қоидаларнинг бузилиши уни қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлиши мумкин.